



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Жонажон юртимиз — Ўзбекистони-мизга яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу кўтлуг айём — Шарқона янги йил билан сиз, муҳтарам отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимиз, суякли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Қалбларимиз шодлик ва қувончга тўлган мана шу нузли лаҳзаларда барчангизга сўхат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Қадри дўстлар!
Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини кўтиб олмақда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача — барча юртдошларимиз катта шоду хушрамлик билан бир-бирини кўтлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Эп-юртимизнинг табаррук заминимизга, она диёримизга меҳри, ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат фазилатлари янада яққол намоён бўлмоқда.

Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Янги-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий қорхоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўймоқда.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари — одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, муҳтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва ҳалқлараралик фаоллигимиз мезонига айланмоқда.

Биз энг аввало оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимизни рози қилишни ўз олдимизга эзгу вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу олий мақсадга албатта эришамиз. Шунда ҳаётимиз янада обод ва фарвон, буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Наврўз байрами арафасида Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шаҳсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сўнгги йилларда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янги стратегик даражага кўтарилди, бу мамлакатларимиз ўртасидаги аъёнавий дўстлик ришталарига янги ҳаётий куч бағишлади. «Бир макон — бир йўл» қўшма лойиҳаси доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил тараққиёт этмоқда, халқаро ва минтақавий масалалардаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланиши халқларимиз учун фойдалани бўлмоқда. Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз ва Сиз билан дўстликни юксак қадрлашимизни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент, азиз қардошим!

Ўлкаларимиз ўртасидаги қадим дўстлик, қардошлик, бирдамлик ва ҳамкорликни ўзида мужассам этиб, келажак авлодларга етказган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда дўст ва қардош ўзбек халқини турк халқи ва шаҳсан ўз номидан энг самимий тилакларимиз ила табриклайман.

Ҳурмат билан,

Режеп Таййип Эрдоган,
Туркия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Уйғониш, яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўз айёми муносабати билан самимий табрикларимизни қабул қилгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва муштарак маънавий қадриятларга асосланган кўп томонлама муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада жадал ривожланишига ишончим комил.

Ҳурмат билан,

Нурсултон Назарбоев,
Қозғистон Республикаси Президенти

(Давоми 2-бетда)



Янгиланиш, меҳр-оқибат ва фаровонлик айёми

Мамлакатимиз бўйлаб Наврўз сайиллари бўлиб ўтмоқда

Юртимизга баҳор келди. Она замин узра кўклар насили эса бошлади. Қаҳратон соёвуда мудроқ ётган дов-дархат уйғониб, бугун кўрт-кўрт ёзди. Кўёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болаларга ошён бўлди.

Бутун борлиқда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари...
Юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сўхат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл озуқлари, эзгу тилаклари билан Наврўз шодиваналарига қадам қўймоқда. Осмонимиз мусаффо. Бир дунё орзулар билан эртани кўтиб, келажакка ишонч билан тўю томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадамнинг кўтлуг бўлсин! Юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб кўтлуг айёмга пешвоз чиқмоқда.

Халқимиз азалдан тўй ва шодиваналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 февралда «2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган кундан бошлаб маҳалларда, шаҳар ва қишлоқларда хашарлар, кенг кўламли ободонлаштириш ва кўламли оролаштириш ишлари ташкил этилди.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топан меҳр-муруват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улғу инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, қўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш билан боғлиқ хайрия тадбирлари ўтказилди.
...21 март эрта тонгдан қарнай-сурнай ва ногоралар садоси бошланганидан дарақ берди.
Наврўз байрами ҳамма жойда — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида ўтказилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев байрам сайли» қилиб, рағбат-ранг шарлар майин экинларда тебранади. Наврўз тантаналари ўтадиган асосий саҳна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахон онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчионалари ва халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таширф буюрган.

Президентимиз дастлаб байрам сайлида иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборакбод этди.
Юртимизда бу йилги Наврўз байрами ўзгача нишонланмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев байрам сайли» қилиб, рағбат-ранг шарлар майин экинларда тебранади. Наврўз тантаналари ўтадиган асосий саҳна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахон онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчионалари ва халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таширф буюрган.

Ранг-баранг ашула ва рақс, турли бадий жамоаларнинг чиқишлари, уюштирилаётган халқ уйинлари, қуйланаётган қўшиқ, лапар ва икром этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг хилма-хил ноёб қирралари ўз аксини топти.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир



(Давоми 2-бетда)

Наврўз — дўстлик ва ҳамжиҳатлик байрами

Наврўз минтақамиз халқларининг қадимий ва умумий байрамидир. Унинг моҳиятида дўстлик, аҳиллик, бағрикенглик, яхши қўшилиқ каби олижаноб фазилатлар ўз ифодасини топан. Халқимиз азалдан бу байрамни дўсту яқинлари, қон-қардошлари билан бирга нишонлаган.

Ўтган йили Наврўз кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозғистон Республикасига давлат ташрифи билан борган эди.

Бу йил Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон халқини Наврўз билан табриклаш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев кўтиб олди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Қардош ўзбек ва қозғ халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, яхши кунларда ҳам, қийинчилик дамларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бундай дўстлик ва аҳиллик бугунги кунда халқларимиз ўртасидаги алоқаларга мустаҳкам асос бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги боғиқча кўтарилди. Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Транспорт йўлакларини очилиб, темир йўл ва автобус қатновлари йўлга қўйилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайди. Санъат ва маданият намояндалари, шoir ва ёзувчилар икки мамлакатдаги кўргазма ва фестиваллар, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. 2018 йил Қозғистонда Ўзбекистон йили ўтказилаётган халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентлар минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасидаги самимий муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, чегаралардаги енгилликлар икки мамлакат халқларининг ўзаро борди-келдиси учун кенг йўл ва имкониятлар очгани, бунда энг катта мақсад бўлган халқларимиз розилигига эришилганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати юқори баҳоқланди, уни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, мустақиллигимиз асосини Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Қўрғон тиловат қилинди.

Қозғистон Президенти давлатимиз раҳбари хамроҳлигида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

Шу билан Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

ЎЗА

Она диёримизда Наврўз шукуҳи кезмоқда

Бу йил мамлакатимизда Наврўз байрами халқ сайли тарзида катта тантана билан нишонланмоқда. Поштахотимиздаги «Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев байрам сайли» қилиб, рағбат-ранг шарлар майин экинларда тебранади. Наврўз тантаналари ўтадиган асосий саҳна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахон онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчионалари ва халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таширф буюрган.

Президентимиз дастлаб байрам сайлида иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборакбод этди.
Юртимизда бу йилги Наврўз байрами ўзгача нишонланмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев байрам сайли» қилиб, рағбат-ранг шарлар майин экинларда тебранади. Наврўз тантаналари ўтадиган асосий саҳна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахон онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчионалари ва халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таширф буюрган.

Ранг-баранг ашула ва рақс, турли бадий жамоаларнинг чиқишлари, уюштирилаётган халқ уйинлари, қуйланаётган қўшиқ, лапар ва икром этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг хилма-хил ноёб қирралари ўз аксини топти.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлиси Мурожаатнома тақдим этилди.

Ўтган йили юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта 2700 нафар маҳкуми афв этиш тўғрисидаги Президент Фармони имзоланди. Бу ҳам инсонпарварлиқнинг юксак намунаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлиси Мурожаатнома тақдим этилди.

Ўтган йили юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта 2700 нафар маҳкуми афв этиш тўғрисидаги Президент Фармони имзоланди. Бу ҳам инсонпарварлиқнинг юксак намунаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлиси Мурожаатнома тақдим этилди.

(Давоми 2-бетда)



ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТИЛАГИДА КЕЛДИ БУ НАВРЎЗ

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

Агар таъбир жоиз бўлса, баҳор бизни севиб, севилиб яшагача ўргатади. Зеро, ҳар қандай гўзаллик аввал кўзни, кейин қалбни жунбўшга келтиради. Шомда яланғоч кўринган новдаларда тонгда кулиб турган, бўртиб турган қўртаклардан ҳайратга тушасиз. Қалбингизда қувонч қалқийди, чехрангизда табассум балқийди. Хўш кўрдик, баҳор, дея қайқирингиз келади.



Баҳор ҳақида ўйлаш ҳам кишини яратлади. Ҳаёлингизда очилган поласорларни кезиш, уватларда жилмайиб турган ялпизларни териш, чўчмоқларни дасталаб мактабга, боғчага кетаётган болакайлarga боқиш — бу баҳор ато этган завқу шавқ. Бу баҳор ато этган бахт. Аслида гўзаллиқни кўриш, қадрлаб билиш, баҳорга етказганига шукр қилиш бахт. Ахир бу кунларга етмаганлар қанча?

Табиийки, баҳорнинг илк кунлариданоқ биз Наврўзни орзиқиб кутамиз. Наврўз ўз номи билан янги кун — янги орзулар, тинч ҳаётлар, тоза тилалар байрами. Мухаббат байрами. Ошиқона дил билан, муҳаббатли нигоҳ билан гўлга боқмоқ, нурга боқмоқ қанчалар ҳузурли.

Озод ва обод юрда байрамлар ҳам ўзгача шукўх, ўзгача тароват ила ўтади. Бир кўр ўтмишга назар солсак, мустабид тузум даврида Наврўздек саодатманд байрамни пана-панада, овоз чикармай нишонлаганимизни эсласак, қўнғилимиз ўқийди.

Ўзбекистонимизда бугунги Наврўзни — тинчликнинг чиройига, шодликнинг овозига, халқ бахту саодатининг парвозига менгаш мумкин. Бунёдкор халқнинг байрамларида элу юртдаги кўт-бараканинг ифодаси янада ёрқинроқ кўринади. Бизнинг Наврўзимиз ҳурриятдан хуррам халқнинг Яратганга шукронаси. Зотан, бугунги ўзбек халқининг онгу тафаккуридаги ўзгариш, ўз қудратига эга давлат фуқаросининг ўзига ишончи, дунёга тийрак назар ила боқиши унинг яшаш тарзига ҳам ўзгача ғусун, ўзгача мазмун бахш этади.

Авалло Наврўз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган асрий қадриятларимиз байрами. Бу қадриятларнинг моҳиятида яратиш, бунёд этиш орзуси, эзгуликка қорловчи хитоб бор. Зеро, табиат яратишини, олам қўрашсини, ирмоқлар жилдирашини, қўёш қўздиришини бошлаганда инсон ҳам қузатувчи бўлиб ўтирмайди. У бир нисол ёнига яна бир нисол экиши, эртанги ризку насибаси учун даласига уруғ сочиши, тупроқ билан тиллашиши зарур. Қўламининг ҳар кунидан барака боқиб туради. Фақат уни тўтиб қолиш, керак.

Қўлаб таомлари бу табиатнинг инъоми. Одатда ҳар қандай инъом ўйлаш учун, фикрлаш

учун берилди. Чунки олмақнинг бермоғи ҳам бор. Ерга сочилган уруғ, экилган нисол инсон меҳрига, парваришига муҳтож. Сумалак шифосидан олган қувватимизни ҳалол меҳнатга сарфласак, қўнғилда хотиржамлик, юзда ёруғлик зўхур бўлади.

Ўзбекистон Наврўзини дунёнинг қўлаб халқлари қизқиб қузатади, томошаларни мириқиб кўради. Чунки бизнинг асрий удумларимизда ҳикмат бор, илм бор, муҳаббат бор. Наврўз тантаналари шунчаки томоша ёки қувончнинг қўнғирғи эмас, балки чўқур мазмунга асосланган, инсонни яшагача, ўйлашга, фикрлашга ўргатувчи орийатли, ҳикматли халқ эзгу ниятларининг ифодасидир. Шу боис ҳам халқимизга Наврўз қадри, шунинг учун ҳам биз бу байрамни орзиқиб кутамиз. Уни қўнғилдагидек ўтказишда зиммамизда масъулият сезамиз. Наврўз умумхалқ байрами. Наврўзимиз мана иккинчи йилдирки, умумхалқ сайли сифатида, ҳаммамнинг иштирокида нишонланган.

Тинч туйғулар ҳамиша тинч фикрлар уйғотади. Маълумки, ҳудудий инсонни яратганда унинг танасига тупроқ таркибиде мавжуд жамики тилсимотни қўшган. Шу боис одамзот она ерда унган ҳар бир дов-дархатни, ҳар бир гиёҳни ўзига яқин олади. Оладигана эмас, уларга боқиб кўзи қувнайди, дили тўғенга тушади. Илк бойчечак, илк ялпиз, қирда гулхан ёққан илк лола, лолақизғалдоқ, пешайвонга қўнган қалдирғоч, осмондан учиб ўтган турналар — ҳамма-ҳаммаси уни ҳаяжонга солади. Айни пайтда ўйга толдиради.

Дунёга келишдан мақсадини англаб етган инсон ўзидан сураб туради: «Шунча йил яшаб қўйибман. Нима иш қилишга улгурдим? Худонинг марҳамати билан унган ялпизнинг муаттар иси бахш этган ҳузурни, бир лола рангидан томиб турган қувончни, қирқиллаб турган боласи қўшига саноксиз келиб-кетаётган қўшнинг меҳрини одамларга беролдимми?»

Дарҳақиқат, Тангри шундай буюқ қудратки, табиатда яратилган ҳар майсанинг, ҳар бир жонзотнинг ўз ўрни, ўз вазифаси, ўз масъулияти бор. Улар бу юмушларни деярли беҳато бажарадилар. Лекин табиатнинг энг онгли ва

улўғ мавжудоти инсон эса гоҳида ўзligини унутиб қўяди, ўзига берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмайди. Ҳирсу ҳавас, шайтоний нафс уни йўлдан оздиради. Умрининг ўткинчилиги ёдидан кўтарилади. Охир оқибат кетар жафода ўзligини таниб қолади. Чунки инсон кўзларини юмар экан, дунё унинг ортида қолаётганини, бу боқий оламда гўзаллик ҳам боқий эканлигини, гуллар ҳам унингсиз очилвериб, баҳор қайтиб келавериб, шунча кеч англаб етати.

Аслида шу пайтгача очилган гуллар унинг учун очилганда, қўшлар унинг учун сайраганда, мажнунтолнинг салом, елларнинг сархўш алласи, юлдузларнинг ҳовуч-ҳовуч нурлари, хуллас, оламнинг жамики гўзаллигини Аллоҳ инсон учун яратганда. Уларни ҳаммаси инсонни ўзligини англашга, яшагача, яшаганда ҳам булоқ сувидек тинч ҳаётлар билан, тошни тарс ёриб чиққан майсанинг журъати, булбулнинг ҳайрати билан яшагача қорлаганди. Инсон кўрни кўёшдан, меҳрни ердан олган. Мардликни эса... Зийрак одам учун табиатда мардликка қорловчи омиллар жуда кўп. Беихтиёр ёдимга «Чотқол» тоғ кўриқонаси қоровулларидан бирининг анча йиллар бурун айтиб берган ҳикояси тушиб кетди.

Гул ислари гул баргидан тўкилмиш ел қанотиға,
Хўш насим хўш наво бермиш андалилар баётига,
Қалдирғочлар қалқиб кетар висол тушганда ёдига,
Бойчечаклар саботида келар Наврўз, келар Наврўз,
Қумиларнинг қанотида келар Наврўз, келар Наврўз!

Қозонларнинг қулоғида сумалакнинг садолари,
Қафтларидан томар чак-чак момоларнинг дуолари,
Ўз исига ўзи сармаст баҳор тонгин саболари,
Сумалакнинг шифосида келар Наврўз, келар Наврўз,
Мажнунтолнинг ибосида келар Наврўз, келар Наврўз!

Ялпизларга ёлворишиб еллар тортар қулоғидан,
Аё дўстлар шарбат томар боларилар дудогидан,
Нон исин навоси келур унган бугдой увогидан,
Тангрининг хўш дуосида келар Наврўз, келар Наврўз,
Вафо ахлин навосида келар Наврўз, келар Наврўз!

НАВРЎЗ — 2018

Баҳор келиши билан юртимизда байрамлар бошланади. Ўйғониш фаслида жисму жонимиз яшнаш, яшариш ишқиде ёнади. Варрак учирган болакайлар қийқириғи ложувард уфққа қадар етади. Сочларига толбаргак таққан қиз-жувонлар алёридан олам мунаввар, момоларнинг чехраси чароғон. Қўнғилларда ўтирган боболарнинг гурунглари авжида.

ЭЗГУЛИКНИ УЛУҒЛАГАН АЙЁМ



Наврўз нафаси қўшларда юзларда намоён. Қалбларни қувонгача тўлдирган бу айём сайиллари ҳар гўшада давом этапти. Чунки Наврўз шунчаки оддий байрам эмас, бу — халқ билан улғайиб, не-не синовларни бошидан ўтказган ва тарққий этиб келаятган улўғ айёмдир.

— Бу байрамнинг ибтидоида эзгулик ғояси, зулмат устидан ғолиб келган ёруғлик тантанаси ётибди, — дейди Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Жаббор Эшонқул. — Азалдан бу шукўхли лаҳзаларда урушлар тўхтаган, тартибсизликларга барҳам берилган. Турли миллат ва элатлар орасидаги ришталар қайта боғланган. Инсонлар муқаддас деб билган тушунчаларини, туйғуларини асраган. Шунинг учун ҳам унинг қадри осмон қадар баланд, баҳоси йўқ.

Жамиятда табора қадр топиб бораётган бу айём эндиликда янада янгича мазмун-моҳият касб этмоқда. Бобо ва момоларимиздан қолган анъаналар сайқал топмоқда. Эҳтиёжмандга ёрдам қўлини чўзиш, бир-бирига яхшилик тилаш, елкадошлик фазилатлари кучайиб бормоқда.

Аслида, одам боласига кўп нарса керак эмас, унинг эркинлиги қўлида бўлса бас, муқаддас туйғуларни топталмас бўлгани. Шунда у тинч ва фаровон ҳаёт кечиради, сўзи маъноли бўлади, қадмидан ўт қақнайди, ҳаётига мазмун қиради. Уни ҳеч ким енголмайди.

Бугун ўзligини англаган, ҳурлиги, эркинлиги қўлида бўлган миллат байрами. Қаерга борсангиз, дошқозонда сумалак, ҳалим қайнапти. Бундай урф-одатлар, удуллар, анъаналар халқ ҳаётининг ажралмас қисми эканини юракдан ҳис қиласиз.

Шу фикрларни қозғога тушираётганимизда, Самарқанднинг чекка Қўшробод туманида яшовчи Зокир тоғам телефон қилиб қолди. Дилим равшан тортиди. Содда ва дўлвор тоғам қувончи ичига сизмаганида, нимадандир ҳайратланганида, дилидаги бор гапни айтиш одоби бор. Наврўз билан табриқлади, қўнғирок қилмаганимга бироз гина ҳам қилди.

— Жиян, бизда ҳам катта байрам бошланди. Ҳар бир қишлоқда, қир-адрда байрам тадбирлари ўтаяпти. Яна дегин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг Самарқандга келгани, Наврўз байрамида қатнашганини телевизордан томоша қилдим, самимийлик, биродарлик тимсолини кўрдим; тўғриси, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Биз азалдан бир-бирига елкадош, бир-бирига яхшилик соғинган халқимиз...

Тоғам тўлиб-тошиб гапирди, жўшиб-жўшиб сўзлади. У ҳақ эканини юрак-юракдан ҳис этиб турардим...

Аслиддин СУЙОНОВ

Маҳаллада байрам шодиёнаси

Юнусобод тумани 17-мавзеддаги «Қадрдон» маҳалла ҳудуди асосан кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, ўндан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилади.

Наврўз байрами арафасида икки кўнлик ҳашар ташкил этилиб, маҳалла ҳудуди ободонлаштирилди, ёлғиз отахон ва онахонлар хонадонлари ораста қилинди. Ариқлар, кўп қаватли уйларнинг атрофи тозаланди.

Наврўз байрами муносабати билан «Манзур» базмгоҳида ёзилган дастурхонга баҳорнинг тансиқ таомлари қўйилди, ош берилди. Маҳалла оқсоқоли Комил Раҳмонов ҳамда фаоллар иштирокида шу ҳудуддаги савдо ташкилотлари, саноат корхоналари ҳомилигида тайёрланган совға-саломлар ихтимойий ҳимояга муҳтож фуқаролар, меҳнат фахрийларига тарқатилди. Маҳалладаги 17 нафар ногирон, уйда даволанаётган 40 нафар бемор ҳолидан хабар олинди.

— Байрамда маҳалламизда истиқомат қилувчи тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, татар, рус, яҳудий ва бошқа миллат вакиллари фаол қатнашди, — дейди Махсума Маҳмадова. — Наврўз турли миллат вакиллариининг чинакам шодиёнасиға айланди. Бу ерда турли тилларда қуй-қўшиқлар янгради, рақслар ижро этилди. Маҳаллада истиқомат қилувчи ёзувчи ва адабиётшунослар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ортиқбой Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашуралӣ Жўраев, шоир ва таржимон Муҳаммад Қўшмоқов ва бошқаларнинг байрам табриқлари даврага файз киритди.

Тадбирда Жавоҳир Очилдиев раҳбарлигидаги «Файз Нур» хусусий ансамбли хонандалари ижро этган тароналар ҳаммага хўш кайфият бағишлади.

Ориф ЖУМАЕВ



«ЎЗАГРОЛИЗИНГ»

АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

меҳнатсевар халқимизни ўзгаллик ва яшариш айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан муболақбод этади!

Жамики эзгуликларни ўзида мужассам қилган байрам ҳар бир оилага барака олиб келсин!



Хизматлар лицензияланган.



Маълумотлар тақдир қилинган.



«ИПОТЕКА-БАНК»

АТИБ ЖАМОАСИ:

— Барча юрдошларимизни

НАВРЎ БАЙРАМИ

билан муборакбод этамиз!

Наврўз юртимизнинг ҳар бир гўшасига, ҳар бир оилага қувонч ва шодликлар олиб келсин!

«Ипотека-банк» сармоялари эса
сизга ҳамisha ҳамроҳ бўлсин!
«Ипотека-банк» хизматларидан
фойдаланинг.

IPOTEKA BANK

Imkoniyat yaratamiz

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

UZTELECOM



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали жамоаси

юрдошларимизни

Наврўз шодиёналари

билан табриклайди!

Юртимизга қут-барака, тинчлик-омонлик, ҳар бир оилага бахт ва қувонч тилайди!



«ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТЗАХИРА»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

халқимизни ва юртимиз меҳмонларини

НАВРЎЗИ олам билан табриклайди!

Юртимиз доимо тинч, дастурхонларимиз
тўкин, ҳамюртларимиз бахтли-саодатли
бўлишини тилайди!

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338. 14262 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:10.

Topshirilgan vaqti — 00:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



Gazetaning elektron sahifasiga ulash
uchun QR-kodni telefoningiz orqali
skaner qiling.

1 2 3 4 6